

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

КЎҚОН ШАҲАР
МАДАНИЯТ БЎЛИМИ МУДИРИ

Б.Мардонкулов



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Кўқон шаҳар -2022й

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари қўқон шаҳар кенгашининг 2022 йил 30 сентябр кунги VI-52-80-11-166-К/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳрида жойлашган 46-Ўрмонбоғ МФЙ ҳудудидаги ЁШЛАР боғи ҳудудини ободонлаштириш ва йўлакларига бетон қопламалар(брусчатка) қоплаш ишларини бажариш.

1.2. Танлов қиймати : 294 178 458 (Икки юз тўқсон тўрт миллион бир юз етмиш саккиз минг тўрт юз эллик саккиз) сўм.

1.3. Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10(ўн) иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1“Қўқон шаҳар Маданият бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона вилояти Қўқон шаҳри озодлик хиёбони

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қўқон шаҳар Маданият бўлими” Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5 Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисида ариза тақдим этишлари талаб этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

“ Тасдиқлайман “

Қўқон шаҳар Маданият
бўлими мудири

Б.Мардонқулов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари қўқон шаҳар кенгашининг 2022 йил 30 сентябр кунги VI-52-80-11-166-К/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳрида жойлашган 46-Ўрмонбоғ МФЙ ҳудудидаги ЁШЛАР боғи ҳудудини ободонлаштириш ва йўлакларига бетон қопламалар(брусчатка) қоплаш ишларини бажариш.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумот
1	Махсулот ва хизмат номи	46-Ўрмонбоғ МФЙ ҳудудидаги ЁШЛАР боғи ҳудудини ободонлаштириш ва йўлакларига бетон қопламалар(брусчатка) қоплаш
2	Буюртмачи	Қўқон шаҳар маданият бўлими
3	Буюртма учун асос	Халқ депутатлари қўқон шаҳар кенгашининг 2022 йил 30 сентябр кунги VI-52-80-11-166-К/22-сонли қарори
4	Махсулот ва хизмат кўрсатиладиган манзил	Қўқон шаҳар Озодлик хиёбони 10а-уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш.
6	Тижорат таклифлари тақдим этиш шартлари	Етказиб берувчи корxonанинг Низоми, гувоҳномаси, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ тўловчили эканлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳамда етказиб бериладиган махсулотларга кафолати ва таклиф этилаётган махсулотнинг қиймати, фото расмлари
7	Махсулот етказиб бериш бўйича ҳисоб китоби	Махсулот етказиб бериш бўйича ҳисоб китоблар тузилган ҳисоб варақ ва далолатномага мос равишда амалга оширилади
8	Махсулот ва хизмат тури	ЁШЛАР боғи ҳудуди йўлакларига бетон қопламалар(брусчатка) қоплаш
9	Ҳисоб китоб қилиш муддати	Шартнома имзоланган кундан олдиндан 30 %лик тўлов амалга оширилади ҳамда хизмат тўлиқ бажарилиши билан 30 кун муддатда тўлиқ ҳисоб китоб ишлари амалга оширилади хизмат ҳужжатларини қабул қилиш далолатномасига асосан.
10	Техник ва меҳнат ҳавфсизлиги бўйича талаблар	Етказиб бериш жараёнида меҳнат ва техника ҳавфсизлиги қоида ва талабларига тўлиқ риоя этиш
11	Молиялаштириш манбаси	Очиқ бюджет жамғармаси маблағлари ҳисобидан

12	маҳсулотнинг умумий қиймати	минг турт юз эллик саккиз) сум
13	Валюта тури	Ўзбек сўми